Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 8 апрель, № 71 (4734) Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 апрель куни Оқсаройда Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош ижрочи директори Пэт Дэвисни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг «Петронас» ва «Сасол» компаниялари билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини, қатор қўшма лойиҳалар муваффақият билан амалга оширилаётгани бунинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил октябрь ойида Малайзияга давлат ташрифи чоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Петронас» корпорацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда нефть-газ захираларини биргаликда ўрганишга оид битим имзоланган эди. Айни пайтда Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли ҳудудида, Устюрт платоси ва Сурхондарёдаги саноат блокларда геологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, тозаланган метан газидан синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарадиган завод қурилиши лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳамкорлик кўлами нечоғли катта экани ҳақида «Петронас»нинг Ўзбекистонга киритадиган сармояси ҳажми қарийб 2 миллиард АҚШ долларига етиши кутилаётгани яхши тасаввур беради. «Сасол» компанияси мазкур завод қурилишида қатнашадиган учинчи томон бўлиб, корхона, асосан, унинг технологиялари билан жиҳозланади.

«Петронас» трансмиллий корпорация бўлиб, 30 мамлакатда фаолият юритади. Унинг фаолият доираси кенг. Булар нефть ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Петронас» корпорацияси нафақат геология-разведка ишларини ўтказиш ва муайян лойиҳалар учун техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқиш, айни пайтда нефть-газ соҳаси учун кадрлар тайёрлашда ҳам ҳамкорлик қилади.

Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси табиий газ ва кўмирдан синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш технологиялари билан машҳур. ЖАР ҳудудида нефть-газ конлари йўқ, лекин тошкўмирнинг катта захиралари мавжуд. Шу туфайли «Сасол» кенг кўламда кимёвий тадқиқотлар ўтказиб, нафақат синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, балки умуман кимё саноати соҳасида бой тажриба орттирган. Унинг ЖАРдаги заводларида тошкўмирдан кир ювиш воситалари, бўёқлар, пардоз буюмлари, доридармон, кимёвий ўғитлар, катализаторлар, компакт-дисклар, кабеллар, синтетик гиламлар ҳам ишлаб чиқарилади.

«Сасол» технологиялари асосида илгари фақат автомобиллар учун синтетик ёқилғи ишлаб чиқарилар эди. 2008 йилда компания дунёда биринчи бўлиб синтетик авиабензин ишлаб чиқариш технологиясини яратди. Бу усулда тайёрланган ёқилғи зарарли газни нисбатан кам ажратиши билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда «Петронас» ва «Сасол» билан ҳамкорликда синтетик ёқилғи ишлаб чиқарадиган завод қурилиши Ўзбекистоннинг нефть-газ саноати, жумладан, нефть кимёси соҳасидаги салоҳияти янада юксалишига хизмат қилади.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Пэт Дэвис самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, «Петронас» ва «Сасол» Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларда янада кенгроқ иштирок этишдан манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

Суҳбат чоғида биргаликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга, янгиларини ишлаб чиқишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 4 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги 1054–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **135-моддаси** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларида айрим қарздор корхонани (бизнесни) ёки унинг молмулки бир қисмини банкларга сотишда бошқача тартиб назарда тутилиши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»**ги 154–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) **4-моддасининг тўртинчи хатбошиси** «Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг» деган сўзлардан кейин «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **4-моддасининг учинчи қисми** «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598, 606, 608-моддалар; 2008 йил, № 9, 489-модда, № 12, 640-модда) **20-моддасининг биринчи қисмидаги** «эллик» деган сўз «тўрт юз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 7 апрель
№ ЎРҚ – 206

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган 927–XII-сонли Қарори билан тасдиқланган **Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 164–II-сонли Қарори таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 12-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида низом**»;

2) **1-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ходимларига махсус унвонлар — мансаб даражалари бериш тартибини белгилайди»;

3) **2-модданинг биринчи хатбошисидаги** «Суд» деган сўз «Суд ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **3-моддадаги** «Суд ходимларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **4-модданинг**:

иккинчи хатбошисидаги «Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларига» деган сўзлар «Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларига, Марказ директорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Олий хўжалик суди раисининг ёрдамчиларига» деган сўзлар «Олий хўжалик суди раисининг ёрдамчиларига, Марказ директорининг ўринбосарига, Марказнинг бўлим бошлиқларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Олий хўжалик судининг бош (катта) консультантларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Олий хўжалик судининг бош (катта) консультантларига, Марказнинг бош ва етакчи консультантларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг катта консультантларига, қабулхона бошлиқларига, бош мутахассисларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг катта консультантларига, қабулхона бошлиқларига, бош мутахассисларига, Марказнинг катта консультантларига, кадрлар бўйича катта инспекторига ва девонхона мудирига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **5-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «умумий юрисдикция судлари аппарати» деган сўзлар «умумий юрисдикция судлари аппарати ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **7-моддадаги** «Судларга» деган сўз «Судларга ва Марказга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **10-моддадаги** «суд» деган сўз «суд ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **11-моддадаги** «судларда» деган сўз «судларда ҳамда Марказда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **13-моддадаги** «Суд» деган сўз «Суд ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **14-моддадаги** «суд» деган сўз «суд ва Марказ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 7 апрель
№ ЎРҚ – 207

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Барчамиз учун бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас макон бўлмиш она Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2009 йилдан бошлаб ҳар йили «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитаси таркиби ва кўрик-танлов низоми 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитасининг вазифаси этиб қуйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш;

кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатиш, жумладан, жойларга тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассисларни ижодий сафарга юбориш;

санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган, орномус, қадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этадиган, юксак гражданлик руҳидаги қўшиқларга алоҳида эътибор қаратиш.

4. Жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари раҳбарлигида комиссиялар тузиш вазифаси топширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

кўрик-танловнинг республика якуний босқичига тайёргарлик кўриш, тарғибот қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

кўрик-танлов ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тасарруфидаги ташкилотларнинг ушбу кўрик-танловнинг саралаш босқичларини ўз маблағлари ҳисобидан ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрик-танловни тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда ғолибларнинг республика якуний босқичида иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги республика кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш ва улар ижросидаги концерт дастурини намойиш этишда «Туркистон» саройини бепул фойдаланиш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига кўрик-танлов тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 7 апрель

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН ИНҚИРОЗИ ТАЪСИРИНИ ЕНГИБ ЎТИШНИНГ АНИҚ ВА РЕАЛ ЙЎЛИ МАВЖУД

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг чет эл сиёсий, расмий ва эксперт-таҳлил доираларида, шунингдек, хорижий оммавий ахборот воситаларидаги муҳокамаси кенг давом этмоқда. Бир қатор давлатларда ушбу асарга бағишланган тақдимот маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Дунё нигоҳи

Уларда расмий, иқтисодий ва академик доиралар, халқаро ташкилотлар, дипломатия корпуси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг китобига бағишланган тақдимот маросими Токио шаҳрида, Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги (ИССВ)да бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан **Япония ташқи савдони ривожлантиришга кўмаклашиш ташкилоти (JETRO) вице-президенти М. Такеда** Президент асарида келтирилган Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари мамлакат ҳукумати

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН ИНҚИРОЗИ ТАЪСИРИНИ ЕНГИБ ЎТИШНИНГ АНИҚ ВА РЕАЛ ЙЎЛИ МАВЖУД

(Давоми. Боши 1-бетда).

томонидан жаҳон молиявий инқирозини бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар, хусусан, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилинганлигини таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожи ва экспорт соҳасида юқори кўрсаткичларга эришиши мамлакатда устувор иқтисодий сиёсат олиб борилаётганига гувоҳлик беради ва «Японияннинг барқарор ва ишончли ҳамкори» бўлишига замин яратади.

ТСРКТнинг хорижий давлатлар иқтисодиёти таҳлили бошқармаси директори М. Ябуучи мазкур бошқарма томонидан олиб борилган таҳлиллар Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакат ҳукумати томонидан қабул қилинган тадбирлар, иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишга асосланиб танланган йўлнинг тўғри эканлигини кўрсатади, дея қайд этди.

Шунингдек, у шиддат билан давом этаётган жаҳон молиявий инқирози иқтисодиёти фақатгина углеводородлар экспортига қурилган мамлакатларнинг иқтисодий йўли нотўғри эканлигини намоён этишини таъкидлади. М. Ябуучи айтиб ўтганидек, жаҳон инқирози ҳом ашё экспортига асосланган иқтисодий ривожланишнинг мақсадга номутаносиб эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон аввал бошдан иқтисодиётни диверсификация қилиш ва саноатнинг барча соҳалари мутаносиб ривожланишини таъминлаш каби зарурий тадбирларни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

JETRO ташқи савдо муассасаси бош директори Х. Окада, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутиши билан бирга, юртимизнинг Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлиги Японияннинг минтақадаги мавқеини мустаҳкамлашнинг бош омили ҳисобланади, деди.

Президент Ислом Каримовнинг китобига юқори баҳо берар экан, Х. Окада Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат миллий иқтисодиётни шакллантириш, шунингдек, узоқ давом этадиган устувор ва барқарор иқтисодий тараққиёт учун мустаҳкам асос яратганлиги ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли янги китобининг тақдимоти Душанбе шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Маросим Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар марказида ўтказилди. Китоб яқинда Душанбе шаҳрида тўрт тилда — тожик, ўзбек, рус ва инглиз тилларида қайта нашр этилганди.

Тадбирда **Тожикистон иқтисодий тадқиқотлар институти директори, академик Нуриддин Қаюмов** сўзга чиқиб, жумладан шундай деди: «Мазкур асар муаллифи, дунёда кечаётган макроиқтисодий жараёнлар моҳиятини англаб етишга қодир улкан салоҳиятга эга бўлган Ислом Каримов — дунёдаги таниқли йўлбошчилардан бири ҳисобланади».

Н. Қаюмов китобнинг асосий моҳиятини батафсил таҳлил этар экан, Ўзбекистонда «Ислом Каримовнинг машҳур беш тамойили асосида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар йўлининг оқилона ва изчил» эканлигини қайд этди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини таҳлил этиш асосида тожикистонлик эксперт Ўзбекистон «жаҳон молиявий инқирози таъсирини бартараф этишнинг аниқ ва реал йўлини ишлаб чиқди ва ундан янада рақобатбардош бўлиб чиқишига барча асослар мавжуд», дея таъкидлади.

У Ўзбекистондан бошқа кўпгина давлатлар иқтисодиётнинг асосий назариясига таянмаётганини афсус билан таъкидлади. «Улар ўз олимлари ва амалиёт жараёнида фаолият юритаётган мутахассисларидан кўра кўпроқ океанортидаги маслаҳатгўйларига ишонишади, оқибатда эса иқтисодиёт поймол бўлади, қашшоқлик ортиб, аҳоли турмуш даражаси пасайиб кетади». Шу маънода, Тожикистон ўзига тегишли ҳулоса чиқариши ва океанортидан камроқ маслаҳат олиши керак.

Академик Н. Қаюмов ўз сўзи якунида Марказий Осиё мамлакатларидан бирининг пойтахтида, масалан, Тошкентда минтақавий илмий-амалий анжуман ўтказиш таклифи билан чиқди. Унда ҳам глобал масалаларни, ҳам маълум бир давлатга хос иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш, жаҳон молиявий инқирози таъсирини енгиб ўтиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Хусусан, молия, энергетика ва озиқ-овқат соҳалари бўйича, мамлакатда муваффақият билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурига, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича вазифаларнинг аниқ ижрочиларигача етиб борадиган тизимига эга Ўзбекистоннинг тажрибасига таяниш мумкин.

«Агроинвестбанк» бошқаруви раиси маслаҳатчиси Бахром Шаропов инқироздан чиқиш бўйича Ўзбекистон Президентининг қарашлари амалий хусусиятга эга эканлигини таъкидлади. «Балки Тожикистон ва Ўзбекистоннинг қўшни эканлиги ҳамда бизнинг жуда кўп жиҳатларимиз, хусусан, менталитетларимиз ўхшаш эканлиги учундир, менда Ислом Каримовнинг китоби жуда катта таассурот қолдирди. Мамлакатларимиз тараққиётининг турли даражадалиги, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларни тартибга солиш тамойилларимиз турлича эканлигига қарамай, биз Ўзбекистон тажрибасидан ўрганишимиз керак».

Европа тараққиёт ва тикланиш банки (ЕТТБ)нинг Тожикистондаги ваколатхонаси раҳбари Матье Ле Блан ҳам Президент Ислом Каримов асаридан кўпгина қимматли маълумотлар олганлигини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистоннинг бошқа давлатлардан фарқи, саросима ва ваҳимага тушмаганида, — дейди М. Ле Блан. — Бу мамлакатнинг иқтисодий ўсишида ва ислоҳотларни чуқурлаштиришида кўринади. Ўзбекистон раҳбарининг қарашлари қуйидагича:

— банкларни капиталлаштириш;

— хусусий бизнесга эътиборни кучайтириш, солиқ юкини камайтириш;

— саноатнинг барча турлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини диверсификация қилиш;

— инқироз кечаётган даврда бюджет маблағлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш. Бу жуда ижобий. Ўзбекистон инфратузилмавий лойиҳалари амал қилмаётган бошқа давлатларга қараганда етарли ресурсларга эга.

Тақдимот иштирокчиларига «Ўзбекистон тараққиёт йўлида» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг тақдимоти Кувайт университетида ҳам бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққан **университет ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари доктори Амани Буресли** тоталаётган ва қўлами кенгайиб бораётган инқироз шароитида асарнинг ўта долзарб ва муҳим эканлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон Президентининг инқироздан олдинги даврдаги иқтисодий ва сиёсий стратегияси ўз самарасини берди. Унинг узоқни кўра билиши кўпгина давлатлар амалга ошира олмаган ишга — бугунги кунда энг ашаддий саналган инқирознинг салбий таъсиридан мамлакатнинг молиявий-иқтисодий секторини асрашга шароит яратди. Ўзбекистон тажрибаси инқироздан чиқиб кетиш ва етказилган зарарни қоплаш мақсадида дунё мамлакатлари томонидан диққат билан ўрганилишга ва жорий қилинишга муносиб, — деди доктор А. Буресли.

— Мен Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман, — дейди **сиёсий фанлар доктори Фахд ал-Микрад**. — Ҳар гал мен мамлакатда барча соҳаларда ютуқларга эришилаётганининг гувоҳи бўлганман. 17 йиллик мустақил ривожланиш давомида Ўзбекистонда давлатчиликнинг барча зарурий хусусиятлари шакллантирилди. Мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзбек модели тамойилларига қатъий амал қилиниши унинг самарали эканлигини, шунингдек, унинг муаллифи сиёсий жиҳатдан сезгир ва зийраклигини кўрсатди. Иқтисоднинг сиёсатдан устувор эканлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич ва тадрижий равишда амалга ошириш мамлакат иқтисодий, молиявий ва ижтимоий соҳаларини модернизация қилиш имкониятини яратди.

Мамлакатда изчил равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ялпи ички маҳсулотнинг ошиши, банк-молия тизимини ислоҳ қилиш, қулай инвестицион сиёсат, янги корхоналарнинг ишга тушиши, мавжуд саноат тармоғини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш — буларнинг барчаси «молиявий бўҳрон»нинг таъсирини камайтиришга хизмат қилди, — деди олим.

Осиё журналистлари уюшмаси раиси Жовид Аҳмад ўз чиқишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби давлат қурилишининг асосий тамойилларини ва мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланиши йўлида эришилган улкан муваффақиятларни намоён этиши, мамлакатдаги инқироздан олдинги ва инқироз шароитида молиявий-иқтисодий изланишлар ҳолатини кўрсатиши ва ўзида истиқболда кутилаётган натижаларни акс эттиришини таъкидлади.

— Иқтисодий фалокат шароитида Ўзбекистон томонидан эришилаётган муваффақиятлар шунчалик улкан ва ишончлики, мамлакат ўз салоҳияти билан унинг гирдобидан чўчимаслигига шубҳа қолмайди. Менинг фикримча, ушбу ёш мамлакатнинг ривожланиш модели бошқа давлатларда ҳам қўлланишга арзийди.

Австриядаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг янги китоби тақдимотига бағишланган брифинг ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган таниқли **иқтисодчи, Вена халқаро сиёсий иқтисод институти директори ўринбосари Петер Хавлик** сўзга чиқиб, мутахассислиги бўйича иқтисодчи малакасига эга бўлган Президент Ислом Каримов ҳозир дунёда кечаётган глобал иқтисодий инқироз, унинг ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига салбий таъсирини теран ва холисона таҳлил қилган.

Англосаксон ривожланиш моделининг банк тизимига салбий таъсир кўрсатишига мисол тариқасида П. Хавлик Австрия банки бир нечта Европа мамлакатларига 240 миллиард евродан ортиқ қарз бергани, агар яқин вақт ичида бу давлатлар қарзларини тўлай олмасалар, унда Австрияда инқироз таъсирининг кескин кўриниши юзага келишини таъкидлади.

«Сименс» компанияси Австрия бўлими вакили Стефан Ландаунинг қайд этишича, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели жаҳон инқирози шароитида ўзининг тўла афзаллигини исботлади ва иқтисодиётнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолишига хизмат қилди.

«Бизнинг компания 15 йилдан буён Ўзбекистон телевидениеси ва радиосини модернизация қилиш билан шуғулланиб келади. Шу йиллар давомида мен гўзал юртингизга тез-тез бориб тураман. Шуни айтишим жоиз, Ўзбекистон иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган, замонавий мустаҳкам давлат барпо этишда улкан муваффақиятларга эришди. Жумладан, шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ўзининг техник жиҳозланиши жиҳатидан Австрия ва Германиядан асло қолишмайди», деди С. Ландау.

«Жаҳон» АА.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ — СИФАТ ГАРОВИ

Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президентимиз томонидан имзоланиб, кучга кирди. Амалдаги қонунчиликни янада мукаммалаштириш, ўз навбатида, бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни ойдинлаштириш мақсадини кўзлайдиган ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти хусусида мухбиримиз Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ботир АБДУРАИМОВ билан суҳбатлашди.

— Суҳбатимиз аввалида стандартлаштиришнинг аҳамияти, унинг аҳоли турмушидаги зарурати ҳақида гапириб берсангиз.

— Стандартлаштириш, ҳақиқатан ҳам, кишилик жамияти тараққиётида катта аҳамиятга эга. Негаки, у инсоният эришган ютуқларни мустаҳкамлайди ва сақлайди, тажриба ҳамда билимларнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди. Яъни, кишилар тараққиёт даврида турли кўникма ва билимларга эга бўлиб, уларни маълум қоидаларда, белгиларда, тимсолларда, эквивалентларда ва нарсаларнинг намуналарида мустаҳкамлаб, сақлаб келади.

Мамлакатимизда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, маҳсулотлар ва хизматларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, халқаро стандартлардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳсулотлар, хизматлар, ишларнинг хавфсизлик ва сифат талабларига риоя қилинишини таъминлаш ҳамда ишончсиз ўлчов натижаларининг халқ хўжалигида ишлатилишини олдини олиш мазкур соҳада кечаётган ислоҳотлар диққат марказида турибди. Албатта, бу ислоҳотларни рўёбга чиқаришда мамлакатимизнинг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонуни асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Қонун кучга кирди

— Қонунга киритилган ўзгартишлардан кўзланган мақсад нима?

— "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига кўра, стандартлаштириш маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг аҳоли ҳаёти, соғлиғи ва молмулкига, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилади. Шунингдек, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва сафарбарлик шайлигини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Мана шу йўналишларда стандартлаштириш ишларини олиб бориш тегишли ваколатли органлар зиммасига юкланган. Чунончи, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 2, 3, 8-моддаларида белгиланишича, мамлакатимизда стандартлаштириш бўйича ишларни ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидалари "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ўрнатилади. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қурилиш, шу жумладан, лойиҳалаш ва конструкциялаш соҳасида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси эса табиий бойликлардан фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан сақлаш соҳасида стандартлаштириш фаолиятини йўлга қўяди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт техникаси буюмлари, дори-дармонлар ҳамда республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотда инсон учун хавфли аралашмалар борлигини аниқлаш масалалари бўйича ўзининг ваколат доирасида стандартлаштириш ишларини юритади.

Гарчи мамлакат мудофаа қобилияти ва сафарбарлик шайлиги бўйича стандартлаштириш белгиланган эсада, ушбу йўналишдаги ишларни ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш маъсулияти юклатилган давлат органи белгиланмаган эди. Шу боис яқинда кучга кирган "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ, мудофаа қобилияти ва сафарбарлик шайлиги соҳасида ҳамда мудофаага оид маҳсулотларни стандартлаштириш вазифаларини бажариш масъулияти Мудофаа вазирлигига юкланди. Шу билан бирга, вазирликка мудофаага оид маҳсулотларни стандартлаштириш ишларини бажариш ҳамда хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича ҳуқуқлари белгиланди.

— Демак, Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши билан мамлакатимиз мудофаа қобилияти учун зарур маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати таъминланади. Зеро, бунга масъул давлат идораси мавжуд.

— Худди шундай. Жумладан, Қонун ҳарбий стандартлаштириш соҳасида ягона ҳарбий-техник сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга йўналтирилган. У қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа мудофаага оид маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларга буюртма бериш, етказиб бериш, ишлатиш, таъмирлаш ва утилизациялаш жараёнларини умумий талаблар доирасида тартибга солишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораяпти.

Ярмарка



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўтган йили биргина "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси таркибидаги улгуржи базалар товар айланмаси ва хизмат кўрсатиш ҳажми 518 миллиард сўмга етиб, олдинги йилдагига нисбатан 1,7 баробарга кўпайгани бунга яққол мисолдир.

Кеча пойтахтимизда 2009 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли товарларини харид қилиш бўйича республика улгуржи савдо-ярмаркаси очилди. Унда "Ёғмойозиқовқатсаноат", "Ўзгўштсаноат", "Ўзбекчармпойабзали", "Ўзэлтехсаноат", "Ҳунарманд" уюшмалари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзвиносаноатхолдинг", "Ўзбекенгилсаноат" компаниялари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Ўзметкомбинат" бирлашмаси, "Ўзбек қоғози" очиқ акциядорлик жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ҳамда бошқа тизимдаги 150 га яқин саноат корхоналари, хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини истеъмолчиларга таклиф этишмоқда.

Савдо-ярмаркани ташкил этишдан асосий мақсад саноат корхоналари томонидан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, хусусий тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотлари ўртасида ўзаро савдо алоқаларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, ярмарканинг биринчи кунидаёқ иштирокчилар ўртасида бир қанча шартномалар имзоланди.

— Биз асосан болалар велосипеди, шифохоналар учун мўлжалланган кушетка, стол-стул ҳамда алюмин нарвон ишлаб чиқарамиз, — дейди "Андижон механика заводи"нинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш филиали маркетинг бўлими мутахассиси Муҳаммаджон Мадраҳимов. — Ҳозиргача "Gazmol And" савдо ташкилоти билан 15 миллион сўм миқдорида маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома имзоладик. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилаётгани қувонарли ҳол. Айниқса, ташкиллаштирилаётган ярмаркалар янги-янги мижозлар топишимизга кўмаклашмоқда.

Савдо-ярмаркаси яна икки кун давом этади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош ижрочи директори Пэт Дэвис 7 апрель куни юртимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокара ўтказди.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан «Петронас» корпорацияси ва «Сасол» компанияси ўртасида Ўзбекистон Республикасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги битим ҳамда ўзаро ҳамкорликка оид англашув меморандуми имзоланди.

— Корпорациямиз Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, — деди Муҳаммад Ҳасан Марикан. — Ўзбекистонда яратилган қулай сармоявий муҳит ҳамкорликда қатор янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини бермоқда. Биз "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан бу йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз.

(ЎзА).

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг Навоий вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЭЪТИБОРДА

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Айтиш жоизки, республикамизда сил касаллигига қарши курашиш мақсадида ҳуқуқий асос ва махсус ташкилий тузилма яратилган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Республика Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти ҳузурида Ш. Олимов номидаги Республика ихтисослашган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий маркази ташкил этилган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда сил касаллигига қарши 251 та муассаса фаолият юритмоқда. Жумладан, 105 та диспансер, 12 та шифохона, 70 та бўлинма ва 38 та поликлиника қошидаги силга қарши кабинетлар, шунингдек, 6 та катта ёшдаги ва 20 та болалар санаторийси аҳоли саломатлигини тиклашга хизмат кўрсатаётир. Шу билан бирга, Халқ таълими вазирлигига қарашли 69 та махсус мактабгача тарбия муассасаси ҳамда 13 та сил касаллигига чалинган болалар ва ўсмирлар мактаб-интернати ишламоқда.

Таъкидланганидек, мазкур Қонун ижросини таъминлаш борасида вилоятда қатор ишлар олиб борилган. Шунга қарамасдан, соҳада жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, вилоятда сил касаллигига қарши кимётерапия дори воситаларига эҳтиёжманд бўлган беморларни даволаш учун шароит яратилмаган. Ушбу касалликка чалинган беморларнинг сурункали тоифаси орасида даволаш сифатининг яхши эмаслиги, дори воситаларининг етишмаслиги, вилоятда катталар ва болалар учун силга қарши санаторийларнинг йўқлиги, уларга амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган имтиёзлар лозим даражада таъминланмаётганлиги жиддий танқид қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари жазони ижро этиш муассасалари ва тергов изоляторларида сақланаётган шахсларни сил касаллигидан муҳофаза қилиш масалаларини атрофлича муҳокама қилишди. Соҳада бу борада қатор ижобий ишлар олиб борилаётганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, сил касаллигининг мультирезистент турлари билан шикастланган бемор маҳкумларни аниқлаш ва даволашга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш ҳамда соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш йиғилишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва назорат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ариза ва хабарлар ҳал этилишининг қонунийлиги, бу тоифадаги жиноят ишларининг тергови, инсон қадр-қимматини камситиш, қийноқ, тазйиқ ўтказиш тўғрисидаги мурожаатларни ўрганиш ҳамда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, тезкор-излов ва қидирув ишлари ҳамда бу борадаги прокурор назорати аҳволи ва суд амалиётини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва назорат органлари ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилиши ҳолларига барҳам бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва назорат органлари ходимлари томонидан содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш борасида идоравий ва прокурорлик назоратини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, тезкор-излов ва қидирув ишлари ҳамда бу борадаги прокурор назорати аҳволи ва суд амалиётини ўрганишга оид масала муҳокама қилиниб, одам савдоси бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамияти учун долзарб муаммо бўлиб, қамрови тобора кенгайиб бораётган бу трансмиллий жиноий фаолият турига қарши курашишда барча ваколатли идоралар билан ишларни ҳамкорликда ташкиллаштириш асосий вазифа эканлиги қайд этилди.

Йиғилишга таклиф этилган вилоят ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, ички ишлар бошқармалари ва бошқа тегишли органларнинг соҳа учун масъул раҳбарлари тушунтириш бердилар.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳалардаги фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан масъул идоралар олдига қатъий талаб қўйилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Автомобиль савдосида пасайиш

Жаҳонда кузатилаётган молиявий инқироз бир қатор давлатларнинг автомобиль саноатидаги аҳволини тобора мураккаблаштирмоқда.

Жумладан, Буюк Британияда бу борадаги савдо ҳажми жорий йил биринчи чорагида 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоизга камайган. Яъни, аввалги йили харидорлар томонидан 683 минг дона автомобиль сотиб олинган бўлса, амалдаги йилда бу кўрсаткич 480 минг донани ташкил этган. Шу боис мамлакатдаги автомобиль ишлаб чиқарувчилар жамияти ва дилерлик хизматлари вакиллари ҳукуматнинг худди Германия ва Францияда бўлгани каби янги автомобилларни сотишни рағбатлантириш борасида зарур чора-тадбирларни қабул қилишига умид билан қарашмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Германияда янги автомобиль сотиб олган ва эскисини топширганлар 2500 еврога имтиёзга эга бўладилар. Францияда эса бу минг еврога қилиб белгиланган. Мана шундай дастурни ҳаётга татбиқ этгани учун ҳар иккала мамлакатда ҳам автомобиль савдосида сезиларли ўсиш кузатилган.

Қурбонлар сони ошмоқда

Италия бош вазири Сильвио Берлускони мамлакат марказидаги Абруццо ҳудудида юз берган зилзила оқибатларини бартараф этиш учун 30 миллион евро миқдорида маблағ ажратилиши юзасидан қарор қабул қилди. Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Тиклаш ишларига сарф этилиши керак бўлган маблағ миқдори аниқ ҳисоблаб чиқилгач, яна қўшимча сармоя йўналтирилади. Бош вазирнинг сўзларига кўра, Италия бу масалада Европа Иттифоқининг махсус жамғармасига ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилган. Улар томонидан бир қанча миллион евро ажратилиши мумкин. Ҳудудни тартибга келтириш учун эса миллиард евродан ортиқроқ маблағ зарур бўлиши тахмин қилинмоқда.

Сўнгги маълумотларга қараганда, табиий офат натижасида 150 дан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмган, бир ярим минг киши жароҳатланган, ўн минглаб уйлар вайронага айланган.

Осмонўпар бино таъмирланади

Нью-Йоркдаги энг улкан иншоотлардан бири — "Empire State Building" таъмирланадиган бўлди.

Ушбу тадбирга 620 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади. 1931 йилда бунёд этилган мазкур ҳашаматли бино, асосан, йирик компанияларга ижара асосида фойдаланиш учун берилади. Шу боис меъморлар таъмирлаш ишларида мижозлар учун бир қатор қулайликларни яратишмоқчи. Жумладан, 6,5 мингта дераза бутунлай янгисига алмаштирилади. Бу эса кондиционерлардан камроқ фойдаланишга ва натижада 40 фоизгача электр энергиясини тежашга имкон беради.

102 қаватли бу осмонўпар иншоот 1931-1972 йилларда дунёдаги энг баланд бино сифатида эътироф этилган.

«Совуқ кошона» сотувда

Машҳур ёзувчи Чарльз Диккенса тегишли бўлган уй сотувга қўйилди. У 2 миллион фунт-стерлингга баҳоланмоқда.



"Совуқ кошона" деб номланган ушбу икки қаватли бино 1801 йилда қурилган. "The Telegraph" нашрининг ёзишича, уй маҳаллий заргарга тегишли бўлиб, унинг биринчи қаватида музей жойлашган, иккинчи қаватидан эса яшаш учун фойдаланилган.

Чарльз Диккенс ушбу қўрғонда 1837-1859 йилларда истиқомат қилган. У айнан шу уйда жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири саналган "Дэвид Копперфильд" романини ёзган.

Коинотдаги бўшлиқ

"New Scientist"нинг ёзишича, астрономлар галактикалар оралиғида жуда катта фазовий бўшлиқ мавжудлигини аниқлашган.

Маълум бўлишича, унинг ҳажми 3,5 миллиард ёруғлик йилига тенг. Агар бўшлиқ билан боғлиқ далиллар янада мустаҳкамланса, ернинг пайдо бўлишига доир амалдаги назарияларни яна бир карра таҳлил этишга тўғри келаркан. Негаки, бўшлиқнинг пайдо бўлиши, олимлар фикрича, "улкан портлаш" назарияси билан қарама-қаршиликка эга.

Ушбу янгилик "Олти даражалик ҳудуд" — "6dF" деб номланган йирик галактика тадқиқотлари доирасида амалга оширилган. Эслатиб ўтамиз, мазкур тадқиқот самараси ўлароқ, Жанубий ярим шардаги осмон жисмларининг қарийб 41 фоизи ўрганиб чиқилган. Барча кузатув ишлари эса Австралиядаги улкан оптик имкониятга эга бўлган телескоп ёрдамида бажарилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Сўнгги йилларда халқаро миқёсда ўтказилаётган турли анжуманлар ва учрашувларда муҳокама этилаётган долзарб масалалар қаторида глобал иқлим ўзгариши муаммоси асосий мавзулардан бирига айландики, бунга сабаб бўлувчи масалалар етарли. Жумладан, инсониятнинг табиатга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиши атроф-муҳитдаги мувозанатнинг издан чиқишига олиб келди. Бу борада истаганча мисол ҳам келтириш мумкин.



ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

келтириб чиқараётган муаммолар қўлами тобора ортиб бормоқда

Масалан, қиш бўлмайдиган жойларда кутилмаганда қор ёғиши, аксинча, доимо совуқ обҳаво кузатиладиган ўлкаларда ҳароратнинг илиқ келиши, баҳорнинг эрта бошланиши, ёғингарчилик мавсумида ёғин миқдорининг меъёридан кам бўлиши ва ҳоказо. Олиб борилаётган тадқиқотларга кўра, агар вазият шу зайлда давом этса, яқин келажакда инсониятнинг иқлим билан боғлиқ муаммолари бундан-да ташвишли кўриниш олади, унинг оқибатларини бартараф этиш эса анча мураккаблашади.

Ана шундай долзарб масалалардан бири сайёрамиздаги океанлар сатҳининг кўтарилиши билан боғлиқ. Иқлимшунос олимларнинг таъкидлашича, асримизнинг сўнггида бориб уммонлардаги сув миқдорининг ортиши йирик талафотларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. АҚШ, Франция, Германия ва Австралия давлатлари олимларидан иборат халқаро тадқиқотлар гуруҳи ҳам ушбу масалада ўз қарашларини илгари сураркан, ҳақиқатан ҳам, 2100 йилга бориб, океан сувлари миқдори кўпаяди, бироқ қай даражада кўпайишини аниқ рақамлар орқали айтиш мушкул, деган фикрни билдирган.

Жорий йилнинг март ойида Данияниг Копенгаген шаҳрида глобал исиш ва иқлим ўзгаришига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг кўзга кўринган иқлимшунос олимлари, бир қатор давлатларнинг расмий доира вакиллари, шунингдек, журналистлардан иборат жами саккиз минг кишилик делегация қатнашди. Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад 2009 йил якунида мазкур шаҳарда турли давлат раҳбарлари иштирокида иқлим ўзгариши мавзуида ташкил этиладиган анжуман олдидан зарур таклифларни ишлаб чиқишдан иборат эди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, декабрь ойида бўлиши кутилаётган тадбирда дунё давлатларининг экологик сиёсат борасидаги халқаро ҳужжати — Копенгаген протоколини имзолаш кутилмоқда. Маълумки, айни пайтда бу соҳада Киото протоколи амалда бўлиб, у 2012 йилда ўз кучини йўқотади. Шундан сўнг унинг ўрнига айнан Копенгаген протоколини жорий этиш назарда тутилмоқда.



Шарҳ

Ахборот агентликларининг маълум қилишича, олимларнинг океанлардаги сув сатҳи қай даража кўтарилишини аниқ рақамлар билан баҳолаш қийин, деган фикри юқорида айтиб ўтганимиз, халқаро конференцияда ҳам яна бир карра ўз тасдиғини топди. Чунки унда сўз олганларнинг асосий қисми бу борада турли тахминларни илгари суришган.

2007 йилда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи томонидан тайёрланган маърузада ҳам океан сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ бошқа тахминлар ҳавола этилган. Унга кўра, 2100 йилда кўпи билан 59 сантиметрлик кўтарилиш қайд этилади. Бироқ, аксарият иқлимшунос мутахассислар бу хулосани танқид остига олиб, ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи ушбу масалада етарлича таҳлил ўтказмаган деган фикрни айтмоқдалар.

Изоҳланишича, уммонлардаги сув сатҳининг кўтарилишига, асосан, икки ҳолат сабаб бўлиши мумкин. Биринчиси, бу — глобал исиш натижасида океанлардаги ўртача ҳароратнинг кўтарилиши ҳолати. Аниқланишича, сўнгги 40 йилда океанлардаги ҳароратнинг ортиши кутилганидан 50 фоиз тезроқ содир бўлмоқда. Иккинчи ҳолат қуруқликдаги музликларнинг эриши билан боғлиқ. Олимларнинг фикрига кўра, ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи масалани таҳлил қилишда қуруқликда жойлашган музликларнинг нақадар тез эриб кетаётганига етарлича эътибор қаратмаган. Улар бу борада, асосан, Гренландия ва Антарктидадаги муз қояларнинг йўқолиб бораётганига урғу беришган, холос. Ваҳоланки, Испания тоғларидаги музликларнинг 90 фоиздан ортиғи аллақачон эриб бўлди. Тўғри, экспертларнинг бугун айнан Антарктида ва Гренландияни кўпроқ ўрганишларининг ўзига хос сабаблари ҳам бор. Чунки ҳозирда қутбдаги музликлар қутилганидан жуда тез тугаб бораяпти. Гренландияда эса сайёрамиздаги музликларнинг 10 фоизи (2,5 миллион километр куб) мавжуд бўлиб, улар йилига ўртача 200-300 километр куб атрофида қисқармоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, агар Гренландиядаги музлар эриса, океандаги сув сатҳи 7 метргача кўтарилиши мумкин.

Энди эътибор беринг: уммон суви фақат бир метр юксалганда ҳам сайёрамиздаги 600 миллион киши истиқомат қилаётган ҳудуд хавф остида қолиши мумкин. Яна бир маълумотда келтирилишича, асримиз охиригача дунёда ҳарорат 3 даражага ортади. 2080 йилда Гренландия, 2100 да эса Антарктидадаги музлар тугайди. Финляндиялик олимлар томонидан махсус компьютер ёрдамида сўнгги 300 йиллик натижаларга таяниб ўтказилган тадқиқотларга кўра эса, денгизлардаги сув сатҳи ҳудудларнинг жойлашувига қараб 0,5 метрдан 2 метргача юксалади. Ҳозир бу ҳолат йилига 3 миллиметрни ташкил этмоқда.

Мисоллардан кўриниб турибдики, вазият чиндан ҳам мураккаб. Гап мана шундай шароитда фақат турли ҳужжатларни қабул қилиш билан чегараланиб қолиш эмас, балки уларга қатъий амал қилишдадир. Зеро, вақт шиддат билан ўтиб бораяпти. Она табиатни асраш, уларни келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш масаласи эса пайсалга соладиган юмуш эмас.

Шавкат ОРТИҚОВ.

Қисқа сатрларда

«Дўсимбий»нинг обод гузари

"Гурлансавдо" шўъба корхонаси тумандаги Дўсимбий қишлоғида янги гузарни фойдаланишга топширди.

Ушбу гузар таркибида иккита минибанк, гўзаллик салони, озиқ-овқат дўкони, ошхона, тикувчилик цехи, сартарошхона, маиший техника таъмирлаш устахонаси, кичик меҳмонхона мавжуд. Уларнинг аксариятида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энг афзали — замонавий технология

Қарши шаҳридаги "Сопол қувурлар" масъулияти чекланган жамиятига пардозли ғишт тайёрлашга мўлжалланган замонавий технология олиб келиб, ўрнатилгач, маҳсулот сифати ва ҳажми сезиларли даражада ошди. Масалан, шу пайтгача корхонада соатига 3 минг дона пардозли ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда унинг миқдори 8 минг донани ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, 25 нафар киши иш билан таъминланди.

И. КАРОМОВ.

Маҳаллада хизмат кўрсатиш мажмуаси

Бўлунғур туманидаги Муса Ҳайитов маҳалласида маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Тадбиркор Вахоб Пардаев уни барпо этиш учун 32 миллион сўм маблағ сарфлади. Ҳозир бу ерда ҳаммом, сартарошхона ва пойабзал тузатиш устахонаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ҳадемай ушбу мажмуада ошхона ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам ишга туширилади.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

TEL.: 120 60 97 – 120 89 58

Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металларни букиш;
- барча пайвандлаш хизматлари;
- мижоз материалидан (металл) маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.

558R/130

ЕВРО ОКНА и ДВЕРИ

ПО ИНДИВИДУАЛЬНОМУ ЗАКАЗУ И ЕВРОПЕЙСКИМ КАТАЛОГАМ ИЗ ДЕРЕВЯННОГО МАССИВА



На самый изысканный вкус

Форма оплаты – любая.
Замеры и доставка – БЕСПЛАТНО.

Тел.: 775-45-75, 262-63-45.
Факс: 262-39-66.

878/2011

Адлия вазирлигида 2001 йил 7 майда 474 сони (рақами) билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон чегара қўшинлари фахрийлари Уюшмаси" тугатилади. Даъволар 1 ой давомида 241-84-50 телефони орқали қабул қилинади.

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

Теперь и в ЛИЗИНГ

Товар сертифицирован

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Спорт ● Sport ● Спорт

ТЕРМИЗ ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

Жорий йилнинг 11-12 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий спортимиз — кураш бўйича IX халқаро турнир бўлиб ўтади.

Мазкур нуфузли мусобақага 1993 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан асос солинганди. Илк турнир ғолиблигини ҳамюртимиз Ўрол полвон Тўраев қўлга киритган. Рустам Эргашев, Эрали Маҳмарасулов, Тоштемир Муҳаммадиевлар ҳам халқаро турнирда бош соврин соҳиби бўлишган. 2001, 2003, 2005, 2007 йилги мусобақаларда эса бойсунлик полвон Абдулла Тангриевга тенг келадиган топилмаган.

Халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлган кураш Президентимиз ташаббуси билан халқаро спорт тури сифатида тан олинди. Ҳозирда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Албатта, мамлакатимизда курашни ривожлантириш, уни жаҳон миқёсига олиб чиқиш борасида қилинаётган бу каби эзгу ишларнинг замирида халқимизнинг азалий қадриятларига бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром ётади.

Халқаро турнир

Бу йилги турнирда жами 40 га яқин мамлакатдан номдор полвонлар иштирок этиши кутилаяпти. Бундан ташқари, мусобақада хорижий давлатларда кураш федерациясини ташкил этиб, уни жонкуярлик билан тарғиб этаётган чет эллик спорт мутахассислари, халқаро тоифадаги ҳакамлар, журналистлар қатнашишади. Дарвоқе, халқаро экспертларнинг фикрига кўра, ўзбек кураши шуҳратини жаҳонга ёйишда, уни дунё халқлари орасида оммалаштиришда Термиз халқаро турнирининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Айни пайтда, вилоятда анъанавий халқаро турнирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Тадбирда қатнашадиган спортчиларни байрамона руҳда қутиб олиш, уларнинг қулай шароитларда яшашларини, беллашувларда яхши кайфиятда иштирок этишларини таъминлаш учун барча имкониятлар яратилаётир.

Биргина марказий "Алпомиш" стадионини таъмирлашга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 300 миллион, вилоят ҳокимлиги томонидан эса 200 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Мажмуага иккита кураш гилами ўрнатилди.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан IX халқаро турнирнинг бориши тўғрисида мамлакатимиз ва чет давлатлар ҳудудига пешма-пеш ахборот юбориб туришлари учун стадионда матбуот маркази ташкил этилиб, ундаги компьютерлар интернет тармоғига уланди, алоқа воситалари ҳозирлаб қўйилди. Термиз аэропорти, шаҳар кўчалари спортга, жумладан, ўзбек курашига бағишланган рангин паннолар билан безатилди.

Шаҳар аҳолиси ҳам ушбу тўй тадоригидан четда қолгиси келмай ҳашар уюштирди, ободонлаштириш тизимининг ишчилари билан ёнма-ён бўлиб, боғ-роғларни, гулзорларни янгилади, кўчаларни, йўлларни тартибга келтириш ишларида иштирок этди.

— Халқаро турнирда қатнашувчи полвонларни саралаб олдик, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бош бошқарма бошлиғи ўринбосари Эргаш Худоёров. — Улар ичида Тўрабой Ўтаев, Бобомурод Рустамов сингари кураш бўйича Осиё чемпионлари, халқаро тоифадаги спорт усталари, Нурбек Жалилов, Абдурахмон Худоёров, Арслонбек Маҳмудов, Санжар Тўхтамишев ва бошқа спорт усталигига номзодлар бор. Шу ўринда вилоятимизда ҳам курашни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, бугунги кунда Сурхондарёда 10 мингдан зиёд киши кураш билан шуғулланмоқда, уларга 300 нафар мутахассис мураббийлик қилмоқда.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА,
ўз мухбиримиз.

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

"Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг". Бу — бундан етти аср муқаддам Соҳибқирон Амир Темур амри билан бунёд этилган маҳобатли ва муҳташам Оқсарой пештоқига битилган сўзлар. Бугун эса пойтахтимиз — азим Тошкент марказида қад ростлаган Темурийлар тарихи давлат музейининг мовий гумбази остида — кўркам пештоқда бу ҳикматни ўқишингиз ҳамоно, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг бунёдкорлик борасидаги бетимсол қудрати, юксак даҳоси, асрларга татигулик эзгу ишларига яна бир карра тан берасиз.

ТАРИХГА ҲУРМАТ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Муҳими, бобокалонимиз бошлаб берган улуғвор ишлар авлодлар учун ибрат, бунёдкорлик, ободончилик борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатларимиз учун дастуриламал бўлаяпти.

Мустақиллик йилларида буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлаш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида бобокалонимиз Амир Темур шахси қадр топди. Унинг жаҳон тарихидаги ўрни, дунё тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссаси кенг миқёсда эътироф этилди.

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан Амир Темур ордени таъсис этилиши, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда нишонланиши, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида бобокалонимизнинг улуғвор ҳайкаллари қад ростлаши буюк аждодимиз хотирасини эъзозлаш, номини абадийлаштириш йўлида олиб борилган хайрли ишлар сирасидан. Шунингдек, пойтахтимиз марказидаги сўлим хиёбон, шоҳкўча, метро бекати, юртимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва маърифат масканларига ҳам Амир Темур номи берилган. Ана шу даврда Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейининг бунёд этилиши ўзбек халқининг Соҳибқирон сиймосига ҳурмат-эҳтироми ва ифтихорини, юртимизда илм-фан, маданият соҳаси тараққиётининг тарихий илдизини дунёга кўз-кўз этди. Яна бир эътиборли жиҳати, бетакрор меъморий ечими ва салобати билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳ ва меҳмонларни ҳайратда қолдириб келаётган бу улуғвор кошона ёш авлодни бой тарихимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром ва Ватанимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаяпти.

Ҳозирда музей фондида сақланаётган 3000 дан зиёд тарихий буюм ва ашёларнинг аксарият қисмини юртимизнинг XIV-XVI асрлар тарихига доир экспонатлар ташкил этади. Хусусан, Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, турли давлатлар ҳукмдорлари билан ёзишмалар, нодир китоблар, қадимий тангалар, қурол-аслаҳалар, уй-рўзғор буюмлари, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналари томошабинларда катта таассурот қолдираяпти.

Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

— Музей ташкил этилганидан буён бу ерга қарийб 1,5 миллион нафар томошабин келди, — дейди музей директори ўринбосари С. Саидхонова. — Улар орасида мамлакатимизга ташриф буюрган кўплаб юқори мартабали меҳмонлар, расмий делегациялар вакиллари ҳам борлигидан ифтихор туямиз. Юртимизнинг диққатга сазовор жойлари қаторидан мазкур музейнинг ҳам жой олиши, қолаверса, Ватанимиз тарихи, аждодларимизнинг бой моддий-маънавий меросига хорижликларнинг қизиқиши ортиб бораётгани Ўзбекистонда бу соҳада олиб борилаётган ишлар амалий натижаларини бераётганидан далолат. Хусусан, музей фаолият бошлаган даврдан бугунга қадар бу ерга БМТ, ЮНЕСКО, ШҲТ, МДҲ, ЕҲҲТ, НАТО сингари халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, олтмишга яқин мамлакатнинг давлат раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, расмий делегациялар ташриф буюрди. Музейимиздаги "Дастхатлар" кўргазмасида фахрий меҳмонларнинг дил сўзлари битилган.

Хусусан, музейнинг фахрий меҳмонлар китобидан Президентимиз Ислом Каримов томонидан битилган қуйидаги сўзлар ўрин олган: "Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон Амир Темур шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этганидек намоён бўлади. Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак".

Дарҳақиқат, бугун музейдан зиёратчилар қадами узилмайди. Бу ерга келаётганлар Амир Темур сиймосида ўзбек халқининг буюклиги, бой тарихи ва улуғвор ишларига дилдан иқрор бўлаётганлари муқаррар.

Ф. БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЯТ
хабарлари

«Баҳор вернисажи»

Камолиддин Беҳзод номидаги Бухоро санъат музейида "Баҳор вернисажи" деб номланган кўргазма очилди.

Унда маҳаллий рассомлар Эркин Жўраев, Раҳмон Авазов, Даврон Тошев ҳамда кулол Баҳром Гуловнинг асарлари намойиш этилмоқда. Шунингдек, кўргазмадан Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг ижодий ишлари ҳам ўрин олган. Баҳор, қишлоқ ҳаёти, қадимий Бухоро манзаралари акс этган суратлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам қизиқишларига сабаб бўлмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Миллий ўйинлар фестивали

"Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Миллий ўйинлар" фестивалининг Наманган вилоят босқичи Косонсойдаги "Муғтепа" тарихий обидасида ўтказилди.

Тадбирда умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда маҳаллалардан ташриф буюрган ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Фестиваль иштирокчилари арқон тортиш, варрак учириш, елка кураши, хўроз уриштириш, аргимчоқда сакраш ҳамда чавандозлик каби миллий ўйинларимиз бўйича ўзаро беллашдилар. Тадбир якунига кўра, умумжамоа ҳисобида косонсойлик ёшлар биринчи ўринни қўлга киритишди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

«Сиз қонунни биласизми?»

Нукусда "Сиз қонунни биласизми?" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди.

Унда иштирок этган 10 дан зиёд жамоа вакиллари ҳуқуқий соҳада тўплаган билимларини намойиш этдилар. Тадбирда Амударё туманидаги 3-сонли академик лицейнинг "Қалқон" жамоаси ғолиб деб топилди. Ушбу жамоа эндиликда танловнинг пойтахтимизда ўтадиган якуний босқичида иштирок этади.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хушхабар

«Пахтакор»нинг муҳим ғалабаси

Кеча қитъамизда футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг учинчи тур учрашувлари бошланди.

Мусобақанинг "А" гуруҳидан жой олган "Пахтакор" сафарда Эроннинг "Саба Баттери" жамоасига қарши майдонга тушди. Меҳмонда тўп суришига қарамай, ишончли ўйин намойиш этган футболчиларимиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни ака-ука Зайниддин ва Фарҳод Тожиевлар киритишди.

Ушбу ғалабадан кейин "Пахтакор" 7 очко билан гуруҳда якка пешқадам бўлиб турибди.

Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган яна бир жамоамиз "Бунёдкор" эса бугун "Жар" стадионида Эроннинг "Сепаҳон" клубини қабул қилади.

З. ЖОНИБЕКОВ.

2009 йил 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2009 йил 1 апрелдан киритиладиган кўмир учун декларация қилинган нархларни қайд этиш 19-03-22-05-0'zR-17-2009-сонли реестрни тасдиқлади.

Монопол бирлашма (корхона) номи	Маҳсулот номи	Ўртача ҳисобланган меъёри, %		Ўлчов бирлиги	ҚҚС билан 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх, сўмда
		Куллик	Намлик		
«O'ZBEKKO'MIR» OAJ	2 BPK 50-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун	14,4	35,8	тонна	12 375
	Биржа орқали	14,4	35,8	тонна	21 000
	Аҳоли учун	14,4	35,8	тонна	21 000
	2 BOMSSH 0-50	23,8	35	тонна	29 000
	2 BOMSSH-B-1 0-50	32,5	35	тонна	22 450
	2 BOMSSH-B-2 0-50	46,7	35	тонна	12 950
	2 BR 0-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун	21,8	35,5	тонна	20 150
	Биржа орқали, бошқа истеъмолчилар учун	21,8	35,5	тонна	28 300
	2 BR-B-1 0-300 (200)	32,5	35,5	тонна	21 700
	2 BR-B-2 0-300 (200)	46,7	35,5	тонна	11 850

Изоҳ: маҳсулот кули ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёри фоиз ҳисобида GOST 8298-89, GOST 8302-87, Tsh 12-17:2001, Tsh 12-18:2001, GOST 8297-87га мувофиқ ўрнатилган. Кўмир сифати бўйича ўзгариш бўлганда, чегириш (ёки қўшиш) меъёрлари № 03-01-1988 прейскурант бўйича қўлланилади. Кул бўйича ҳар бир фоиз кўпайиши ёки камайишига белгиланган нархдан 2,5%, намлик бўйича 2,0% миқдорида.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖнинг АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Андижон вилояти хўжалик судининг 2008 йил 19 майдаги 17-0805-2720-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкротлиги эътироф этилган, Хонобод шаҳар «6-автокорхона» МЧЖ кредиторларининг 2009 йил 2 апрелдаги 10-сонли йиғилиши баёни қарорига асосан, Хонобод шаҳри, Қорадарё кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 19976,0 кв.м.дан иборат А, Б,Б1, В, Г, Д, Е, Е1, Ж, Ж1, З, З1, З2, И, К, М, Н, Н1, О, П, П1-литерлардаги бино-иншоотлар, 47 номдаги турли русумдаги автотранспорт воситалари ва тиркамалар, мулк-жиҳоз ҳамда асосий воситалар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 382 205 000 сўм.

Аукцион савдолари 2009 йил 5 май куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Мулкий мажмуа 5 май куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2009 йил 8 ва 12 май кунлари соат 14.00 да ўтказилади. Сотувга қўйилган мулкий мажмуа бузмаслик, талон-торож қилмаслик, тадбиркорликни ривожлантириш шарти билан сотилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, ИНН: 200933850.

Манзил: Андижон ш., Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.
Телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.
www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Фарғона политехника институти ўқув ишлари проректори вазифасини бажарувчи, техника фанлари доктори **Абдуносир МИРЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси меҳнат фахрийси, Солиқлар ва солиққа тортиш кафедрасининг собиқ доценти **Йўлдош Чиниҳўжаевич ХЎЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Саноатконтехназорат" Давлат инспекцияси жамоаси Қашқадарё минтақавий кон техника инспекцияси бош мутахассиси **Зариббой Давронович ҲАЗРАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Механика асослари ва муҳандислик графикаси кафедраси катта ўқитувчиси Гавҳар Содиқовага онаси **Маҳсума ТОЖИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "COSCOM" хорижий корхонаси жамоаси мутахассис Мансуржон Каримовга рафиқаси **Зилола КАРИМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Курилишда ўлчов, геодезик ускуналарнинг янги даври

- курилишда ишлатиладиган ўлчов асбоблари;
- бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
- 2D ва 3D лазер сканерлари;
- лазер ва GPS тизимларини қўллаш асосида машиналарни автоматик бошқарув (тракторлар, экскаваторлар, грейдерлар, бульдозерлар, асфальт ётқизувчи техника, ер текисловчи ва бошқалар);
- оптик, лазерли, рақамли нивелирлар ва теодолитлар;
- лазерли масофа ўлчагичлар, узунликни ўлчовчи пўлат ва фиберглосс рулеткалар;
- электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС (GNSS) тизимлари, шахсий ва автомобиль навигаторлари;
- навигация тизимлари ва ҳаракатланувчи объектларни масофадан кузатиш тизимлари;
- шахсий чўнтак компьютерлари, коммуникаторлар (GSM, PDA);
- лойиҳа-тадқиқот ишларини автоматлаштириш учун дастурлар.

Trimble. SOUTH htc СКБ СТРОЙПРИБОР АКС

Манзил: 100000, Тошкент ш., Осиё к., 6-уй. Тел.: (+99871) 150-17-66, 150-17-67.
web: www.geoinform.uz E-mail: info@geoinform.uz

Маҳсулотлар сертификатланган Хизматлар лицензияга эга

ОБ-ҲАВО

(8 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 0-5 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 1-3 даража илиқ, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошҳўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 00.35